

---

## Юртимизда муборак рамазон ойи давом этмоқда. Меҳр-оқибат, саховат, яхшиликлар ойида қалблар нурга тўлмоқда

Давлатимиз раҳбарининг “Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Бешариқ тумани ҳокимилиги ташаббуси билан маҳаллаларда рўзадорлар учун ифторлик дастурхонлари ёзилмоқда. Куни кеча тумандаги “Янги Хаёт” МФЙда истиқомат қилаётган Фермерлар, “Темир дафтар” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган 100 нафардан зиёд кам таъминланган, эҳтиёжманд, ногиронлиги мавжуд фуқаролар учун “Оқ Олтин” тантаналар мажмуасида ифторлик тадбири бўлиб ўтди.

Инсон қадрини улуғлаш, муҳтожларга кўмак кўрсатиш мақсадида ёзилган тўкин дастурхон атрофида жам бўлган нуронийлар юртимизга тинчлик, оилаларга тотувлик, дастурхонимизга қут-барака тилаб, дуо қилишди.

2023-04-11 15:36:16